

НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қулбеков Ойбек Турсиналиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти бошлиғи ўринбосари,
подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568549>

Аннотация: мазкур мақолада номусга тегиш жиноятини тергов қилиш методикаси, криминалистик тавсифи берилган бўлиб, хусусан, дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатларига доир масалалар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: номусга тегиш, жабрланувчи, жиноят, жиноий тажовуз, сўроқ қилиш, гумон қилинувчи, жиноят шоҳиди, экспертиза тайинлаш.

Аёлларга нисбатан зўравонлик, жумладан жинсий зўравонликни бартараф этиш муаммоси халқаро аҳамиятга эга. 1993 йил 20 декабрда қабул қилинган «Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисида»ги декларацияда айтилишича, аёлларга нисбатан зўравонлик эркаклар ва аёллар ўртасидаги тарихан тенг бўлмаган ҳокимият муносабатларининг намоён бўлиши, бу аёлларнинг ҳукмронлигига ва эркаклар томонидан аёлларга нисбатан камситишларга олиб келган.[1]

Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш бу – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118-моддаси билан тартибга солинган жинсий дахлсизликка қарши жиноят ҳисобланади. [2]

Жиноят қонунчилигида номусга тегиш деганда, аёл жинсидаги шахс билан унинг эркига қарши ёки эркидан ташқари зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, табиий усулда жинсий алоқа қилиш тушунилиши лозим. [3]

Биз, тергов амалиёти ва махсус адабиётларни таҳлил қилиб, жинсий эркинликка қарши жиноятларнинг криминалистик хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш зарурлиги тўғрисидаги хулосага келдик. Ушбу жиноятлар криминалистик тавсифи орасида жиноят содир бўлган жой, вақт ва усулни, айбланувчи шахсининг психологик хусусиятлари ва жабрланувчининг хусусиятлари, шунингдек, жиноий тажовуз натижасида ҳосил бўлган изнинг механизмини ажратиб кўрсатишимиз мумкин бўлади.

Номусга тегиш жиноятининг криминалистик тавсифи асосий элементларига қуйидагилар: жабрланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар, жиноятчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар киради. Шунингдек, илмий адабиётларда жиноят содир бўлган жой, излар, жиноят қуроли, жиноятни яшириш ҳаракатлари, жиноят содир этишга ёрдам берадиган сабаблар ва шартлар ҳам криминалистик тавсиф элементлари сифатида саналган.

Амалиётда, жабрланувчиларнинг ёши ва сони, жиноят бир шахс ёки бир неча шахслар томонидан содир этилиши, ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда аёлларнинг ҳам иштирок этиши (биргаликда ижрочи сифатида), шу билан бирга жиноят содир этган шахснинг (шахсларнинг) ёши каби омиллар ҳам муҳим ҳисобланади.

Айрим ҳолларда, жабрланувчининг аризасига асосан жиноят иши қўзғатилганда, баъзи қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Жумладан, кўпинча жабрланувчи

ўзининг олдинги кўрсатувларидан воз кечади ёки бошқа йўл билан жиноятни тергов қилишга қарши чиқади. Шундай қилиб, жиноят тўғрисидаги аризани қабул қилишда жабрланувчига унинг хоҳишидан қатъий назар, асоссиз жиноят ишини тугатиш мумкин эмаслигини тушунтириш керак.

Баъзан, номусга тегиш эмас, балки жабрланувчини васвасага солиб қўрқитиш ҳолатлари учраб туради, шунинг учун В. И. Комиссаров номусга тегишни тергов қилишда жиноятчи ва «тажовуз объекти» бўлмиш жабрдийда ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятини ҳисобга олиш кераклигини таъкидлайди.[4] Терговга қадар текширув жараёнида жабрланувчидан батафсил тушунтириш хати олиш зарур. Номусга тегишнинг содир бўлганлигини ифодаловчи белгилар: жабрланувчининг танаси ва кийимидаги жароҳатлар, гумон қилинувчининг турли белгилари (масалан, тажовуз вақтида жабрланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун етказган тан жароҳатлари), жабрланувчининг ночор ҳолатини кўрсатувчи белгилар, жабрланувчида гиёҳвандлик, алкоголь ва бошқа мастликни ифодаловчи ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бундан ташқари, номус тегиш жиноятини тергов қилишда турли хил эътибор қаратиш зарур бўлган омиллар ҳам мавжудки, уларни санаб ўтамиз. Масалан жабрланувчи аёлнинг енгил хулқ-атвори, ножўя хулқ-атворини терговчи олдида оқлаш, тажовузкорнинг шахвоний ҳисларини уйғотиб жинсий алоқа қилишга ундаш ёки аёл кишининг таъмагирлик билан туҳмат қилиш каби ҳолатлари тергов жараёнида учраб туради, терговчи қонуний қарор қабул қилишдан албатта саналган жиҳатларни инобатга олиши керак. Шунингдек, номусга тегиш факти бўйича ариза келиб тушгандан терговчи зудликда амалга ошириши лозим бўлган бир қатор ҳаракатлар бор, жумладан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, ишга алоқадор шахслардан тушунтиришлар олиш, шахснинг тиббий ҳужжатларини олиб, суд-тиббий экспертиза тайинлаш каби ҳаракатлар. Саналган ҳаракатларни имкон қадар тезроқ амалга ошириши керак, чунки ўз вақтида ўтказилмаган ҳаракат далилларнинг йўқолишига олиб келиши мумкин.

Ушбу жиноятни тергов қилишда муҳим бўлган тергов ҳаракатларидан экспертиза текшируви учун намуналар олиш, гувоҳлантириш тергов ҳаракатлари бўлиб, ушбу тергов ҳаракатларини ўтказиш жиноятини ишини самарали тергов қилинишига, айбдор шахсларнинг айблилигини исботлаш, ҳақиқатни аниқлаш принципини таъминлаш учун муҳим. Бинобарин, терговга қадар текширув жараёнида тажовузкорнинг спиртли ичимлик таъсирида жиноят содир этганлиги маълум бўлди, унинг ҳақиқатда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда жиноят содир этганлигини исботлаш учун унинг қонидан намуна олиш лозим, лекин амалдаги қонунчиликка кўра, жиноят иши қўзғатмай туриб экспертиза текшируви учун намуналар олиш мумкин эмас. Ё бўлмаса, гувоҳлантириш тергов ҳаракатини олайлик, терговга қадар текшириш жараёнида аризачидан тушунтириш олиш жараёнида тажовузкорнинг танасида очик кўришиб турган тан жароҳатлари борлигини баён қилган, лекин терговга қадар текшириш жараёнида шахсни гувоҳлантириш мумкин эмас. Саналган ҳар икки ҳолатда ҳам тергов ҳаракатларини зудликда ўтказмаса, келгусида ишга алоқадор бўлган излар йўқолиб кетиши мумкин. Бу эса, жиноят-процессуал

қонунчилиги ҳақиқатни аниқлаш принципларига зид. Юқорида саналган тергов ҳаракатларини ўтказмасдан қонуний қарор қабул қилиш терговчининг ишини қийинлаштиради.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси 2-қисмини қуйидагича, *Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш ушбу Кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, гувоҳлантириш, экспертиза текширувчи учун намуналар олиш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади* шаклида баён қилишни таклиф этамиз.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда жойнинг тартибсиз, хона жиҳозлари сочилган ҳолати, жабрланувчига ёки гумон қилинувчига тегишли бўлган буюмлар ва излар (биологик излар, сигарет қолдиқлари, кийим-кечак ёки унинг парчалари, шахсий буюмлар) аниқланади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш учун тактикани танлаш муайян вазиятга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118-моддасида назарда тутилган жиноятларни тергов қилишда дастлабки тергов ҳаракатлари сифатида суд-тиббий экспертизасини тайинлаш, жабрланувчи ва гумон қилинувчини сўроқ қилиш, уларни гувоҳлантириш, гувоҳларни сўроқ қилишга алоҳида эътибор берилади.

Жабрланувчини сўроқ қилишда зўрлаш қаерда, ким томонидан ва қачон содир этилганлигини, тажовузкорнинг танаси ва кийимида тажовуздан кейинги излар бўлиши мумкин ёки йўқлигини, бундан ташқари, жабрланувчи жиноятнинг тафсилотларини зўрловчининг ҳам, жабрланувчининг ҳам хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини аниқлаш керак. Агар жабрланувчи жиноят содир бўлганидан кейин дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган бўлса, бунга қандай омиллар сабаб бўлганини аниқлаш керак, жиноят содир этган шахс жабрланувчига жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ҳодиса содир бўлганидан кейин жиноятчи ёки жабрланувчига алоқадор бўлган шахслар томонидан жабрланувчига таъсир ўтказишга уриниш бор ёки йўқлигини, агар таъсир ўтказишга уриниш бўлса, ушбу жараённинг ҳолати ва хусусияти қандай бўлганлигини аниқлаш керак.

Илмий адабиётларда жабрланувчини аёл терговчи ёки ёши жабрланувчининг ёшидан сезиларли даражада катта терговчи сўроқ қилиш тавсия этилади. [5]

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш ҳодиса жойи содир бўлган жой кўздан кечирилгандан жабрланувчи сўроқ қилинганидан сўнг, шунингдек, у ушланганидан кейин дарҳол амалга оширилиши керак. Дастлаб, гумон қилинувчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини билиб олиш, кейин жабрланувчининг кўрсатуви мазмуни бўйича саволлар бериш тавсия этилади. Агар гумон қилинувчи жиноят содир этилганидан кейин анча вақт ушланган ва сўроқ қилинаётган бўлса,

жиноят содир этилган вақтда у қаерда бўлганлиги ва нима билан машғул бўлганлиги, унинг кўрсатувини кимлар тасдиқлаши мумкинлигига аниқлик киритиш керак.

Танланган тактика доирасида максимал натижага эришиш учун терговчи тажовузкорнинг психотипини аниқлаши тавсия этилади. Психотипнинг аниқланиши терговчи учун жиноятчига таъсир қилишнинг индивидуал тактикасини режалаштириш ва уни амалга оширишда юқори натижа беради. [6]

Сўроқдан кейин гумон қилинувчининг танасидаги излар мавжудлигини аниқлаш учун гумон қилинувчини гувоҳлантириш керак. Агар тиббий кўрик натижасида гумон қилинувчининг танасида тан жароҳатлари аниқланган бўлса (бу ҳолатда гумон қилинувчи жиноят содир этмаганлигини баён қилса, жабрланувчи кўрсатмасига кўра, тан жароҳати олганлиги маълум бўлади), гумон қилинувчидан ушбу жароҳатлар қай тарзда олингани ва унинг кўрсатувини тасдиқлаши мумкин бўлган шахслар тўғрисида қайта сўроқ қилиш керак. Агар гувоҳлантириш давомида гумон қилинувчининг тан жароҳатлари тузалиб кетганлиги аниқланса, уни суд-тиббий экспертизасига юбориш зарур.

Агар жиноят шоҳидлари аниқланган бўлса, улар сўроқ қилиниши керак. Гувоҳлар жумласига ҳодиса содир бўлган жойда ёки унинг атрофида жабрланувчи билан юз берган ҳолат шоҳиди бўлган шахслар, жабрланувчи ва гумон қилинувчининг танасида тан жароҳатларини кўрган шахслар, жиноят шоҳидлари, жабрланувчи ва гумон қилинувчи ўртасидаги жинсий алоқа ҳолатларидан хабардор бўлган шахслар кириши мумкин.

Гувоҳларни сўроқ қилишни эркин тарзда баён қилишдан бошлаш, сўнгра кўрсатувни батафсил баён этишга ўтиш тавсия этилади. Терговчи сўроқ жараёнида гувоҳнинг кўрсатувларига ишончсизлик билдирмаслиги, берилаётган маълумотларнинг тўлиқ эмаслигидан норозилигини кўрсатмаслиги керак. Бундан ташқари, сўроқ қилинувчининг кузатуви, яхши хотираси ҳақида мақтовлар айтиб, гувоҳнинг ҳамкорлик қилиш истагини уйғотиш мақсадга мувофиқдир. Эркин тарзда баён тугаганидан сўнг, гувоҳ қандай сабабларга кўра жиноят содир бўлган жойда бўлганлигини ёки ҳодиса жойидан қанча масофа узоқда бўлганлигини, жиноят айнан қайси вақтда содир бўлганлигига, гумон қилинувчининг тажовузкорона ҳаракатлари нималарда намоён бўлганлигига аниқлик киритиш лозим. [7]

Сўнгра, иш бўйича бир қатор экспертизалар ўтказиш мумкин. Шунингдек, гумон қилинувчи қарши бўлмаса, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини ўтказиш самарали натижа беради.

Терговнинг ушбу босқичида суд-психологик экспертиза, кимёвий экспертиза, наркологик экспертиза, трассологик экспертиза ва бошқа экспертизаларни ўтказиш мумкин.

Шундай қилиб, номусга тегиш жиноятини тергов қилиш методикасининг ўзига хос хусусияти сифатида, жиноятнинг нозиклиги туфайли жабрланувчига алоҳида эътибор қаратиш мумкин.

Терговчининг жабрланувчи билан тўғри муносабати жиноятни очиш, самарали тергов қилиш учун асос бўлади, чунки айнан жабрланувчи содир этилган жиноят

тўғрисида энг тўлиқ маълумотга эга бўлиб, биринчи навбатда жиноят тўғрисида фактик маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар қилганда, номусга тегиш жиноятини тергов қилишда терговчи ишдаги барча тергов ҳаракатларга масъулият билан ёндошиб, ишнинг майда деталигача эътибор қаратиб, ўтказиладиган тергов ҳаракатларга профессионал кўникмасини намоён этиши талаб этилади, бу турдаги жиноятларда олиб борилган самарали тергов ҳаракатлари оқибатда жазонинг муқаррарлигини таъминлайди. Жазонинг муқаррарлигини таъминлаш эса ҳозирги кунда олиб борилаётган “Инсон қадри учун” тамойилининг акси ҳисобланади.

References:

1. Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларация. 48/104-сон 20.12.1993 — Матн: электрон шаклда // БМТ: [сайт]. — URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/violence.shtml (Мурожаат қилинган сана: 15.12.2022).
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 22.09.1994 йил. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 03/22/794/0939-сон) — Матн: электрон шаклда // Электрон манба: [сайт]. — URL: <https://lex.uz/docs/111453#240507> (Мурожаат қилинган сана: 15.12.2022)
3. Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги пленум қарори 13-сон 29.10.2010 йил. Матн: электрон шаклда // Электрон манба: [сайт]. — URL: <https://lex.uz/docs/2414120> (Мурожаат қилинган сана: 15.12.2022)
4. Комиссаров, В. И. Объективные и субъективные факторы в общих положениях методики расследований преступлений против нравственности. Методика расследования преступлений (общие положения). / В. И. Комиссаров. — Материалы науч.-практ. конф. — Одесса, 1976. — 168 с.
5. Филиппова, А. Г. Криминалистика. Полный курс: учебник для вузов / А. Г. Филиппова. — 5-е изд., перераб. И доп. — Москва: Юрайт, 2015. — 855 с.
6. Ратников, Б. К. К вопросу о манипулировании сознанием (нейролингвистическое программирование и его возможности) / Б. К. Ратников. — Текст: непосредственный // Юридическая психология. — Москва: Юрист, 2007. — с. 42-45.
7. Карагодин, В. Н. Методика расследования отдельных видов преступлений против личности: учебник / В. Н. Карагодин. — Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. — 504 с.